Hujjat 2016 yil 6 iyun holatiga



НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

# 262 Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

**[Кўчирма]**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1712-6*

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда Республика кенгаши **қарор қилади:**

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 12 мартдаги 15/1-5430-сонли хатига асосан Кенгашнинг 2007 йил 3 сентябрдаги 01-сонли қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1712, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 370-модда) 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазири,**
**Кенгаш раиси** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 25 май,
1-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 6 iyun holatiga



Назорат қилувчи органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг
2016 йил 25 майдаги 1-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 13-банддаги «режасини» ва «режаларининг» деган сўзлар тегишлича «дастурини» ва «дастурларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 16-банддаги «режаси» деган сўз «дастури» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 1-илова қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тугатилгандан кейинги даврда аниқланган, у фаолият кўрсатган вақтда йўл қўйилган қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотларни назорат қилиш.».



WWW.LEX.UZ